

## **ЗАМОНАВИЙ УЛЬТРОТОВУШ ТЕКШИРУВ АППАРАТЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ.**

**Каримов Расулбек Хасанович  
Фозилова Зарнигор Мавлановна  
Абдуллаева Дилноза Кузибаевна**

**Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Патоморфология”  
кафедраси доцент (PhD)<sup>1</sup>.**

**Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Харбий дала терапияси,  
гематология ва диагностика” кафедраси ассистенти<sup>2</sup>.**

**Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси врач<sup>3</sup>.**

**Мавзунинг долзарблиги:** XXI-асрга келиб тиббиёт соҳасида замонавий ўзгаришлар кескин ошиб бормоқда. Бунинг натижасида инсониятда келиб чиқадиган ва учраши бўлган ҳар қандай сурункали ҳамда ўткир касалликларнинг олдини олиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу сабабли, олимлар томонидан замонавий ультротовуш ускунаси яратилган бўлиб, унинг натижасида касалликлар муддатидан олдин барвақт аниқланмоқда.

Жаҳон миқёсида 2022-2025 йилларда АҚШ олими С.Чонсон 3D ва 4D УТТ технологияларини такомиллаштириш бўйича, Япония олими Х.Такахашини эластография усули орқали ички аъзолар тўқималирининг эластиклигини баҳолаш бўйича илмий иш қилганлар. Ўзбекистон эса профессор А.Рахимов томонидан онкологияда эластография ва УТТ қўлланиши бўйича жигар саратонини аниқлашда самаралари ўрганган

**Ишнинг мақсади:** ишнинг мақсади сифатида Хоразм вилояти Урганч шаҳрида яшовчи жигар касалликлари билан вилоят юқумли касалликлари шифохонасига мурожаат қилган беморларнинг замонавий ультротовуш текширувидан ўтказиш.

**Олинган натижалар:** олиб борилган замонавий ультротовуш текширув натижасида жами 62 нафар бемор замонавий ультротовуш текширувидан ўтказилди. Текширув натижалари шуни курсатдики, мурожаат қилган беморларнинг 10 нафарида жигар гепатози, жигар киргокларнинг юмалоклашганлиги, 52 нафарида жигар церрози, нафарида жигар контураларининг нотекслиги аниқланди.

**Хулосалар:** хулосада ўрнида шуни айтиш мумкинки, замонавий ультротовуш текшириш бўйича беморларни ҳар олти ойдан текшириш ва аниқланган касалликлари бўйича уларни даволаш учун тегишли шифокорларга юбориш тавсия қилинади.